Махсулот рентабеллиги (самарадорлиги):

$$Рм = Ф / т/н \times 100$$

Ўртача ойлик иш хақи: - корхона маълумоти

Тўғри моддий сарфларнинг и/ч т/н –даги улиши:

$$Тўғри моддий сарфларнинг и/ч т/н \times 100$$

Мехнат муҳофазаси

Инсонни ишлаб чиқаришни бошқаришда асосий куч эканлигини ҳисобга олиб, унинг хавфсизлиги ва соғлиғини сақлаш ижтимоий тараққиёт йўлидаги муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўз меҳнат фаолиятлари жараёнида жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг келиб чиқиш сабабларини билиш, шунингдек иш фаолиятида инсон учун чарчаш, толиқиш ва касалланиш манбаи бўлмасдан, қувонч ва завқ берувчи фаолият бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиш зарур. Мамлакатимизда меҳнат муҳофазасига доир қонун ва ҳужжатлар ўзига мос равишда ишлаб чиқилди. Жумладан:

-1992 йил 13 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги;

- 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисидаги»;

- 1993 йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонуни қабул қилинган.

1994 йил 1 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қабул қилинди.

1995 йил 21 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси» қабул қилинди.

Меҳнат муҳофазасининг негизи беш қисмдан иборат:

1. Меҳнат муҳофазасининг умумий масалалари: меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари асослари, хавфсиз ва соғлом иш шароитларини ташкил қилиш, меҳнат шароитини таҳлил қилиш;
2. Меҳнат тарбияси, меҳнат самарадорлиги, меҳнат бандлиги.
3. Меҳнат шароити санитарияси ва ишлаб чиқариш гигиенаси;
4. Хавфсизлик техникасининг умуммуҳандислик масалалари;
5. Саноатда ёнғинга қарши кураш чора-тадбирлари.

Корхона маъмурияти меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитлари таъминланиши учун масъул ҳисобланиб, ходимсаломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлиш ҳолларида жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир корхона ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини ёки хавфсизлик техникаси муҳандиси лавозимидаги штат бирлигини ташкил қилиши шарт. Унинг асосий вазифаси корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қондаси талабларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида бир қанча қонуниятлар қабул қилинган. Бу қонунлар фақат ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги қоидаларини назорат қилиб қолмай, балки меҳнат муҳофазаси қонунлари бузулмаслиги учун жавобгардир.

Корхонада ”Меҳнатни муҳофаза қилиш” борасидаги тадбирлар ишлаб чиқилади, улар меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасидаги услубий қўлланмалар, инструкция кўрсатмалар, тавсиялар каби умумий қоидаларни ўз ичига олади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси 2009 йил 47–сон 59 –моддасида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2009йил 16 – ноябрда 2042–сони билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2000йил 267–сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами, 2000–йил 7–сон 39–модда билан тасдиқланган.

Корхонада ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфли даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида маълумотга эга. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисида

маълумотлар, ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиклим ўлчови натижалари, шунингдек оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиниши билан тасдиқланади.

Корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган касблар ва ишлар рўйхатига эга. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олинган.

Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажаришдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл - йўриқ олиш ва ишларни хавфсиз бажариш усуллари ўзлаштириб олганлар.

ОАЖ «Тошкент ёғ-мой комбинати» Қўшма Корхонаси чиқинди ташлаш бўйича СН-245-71 га асосан Г категорияга киради. Санитар химоя зонаси СНиП-2.01.03-96 га асосан 100 м. белгиланган.

ГОСТ 12.1.014-89 нинг «Иш зонаси ҳавоси» бўлимида бу концентрация қуйидагича белгиланади. Иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган концентрациялари – 8 соат давомидаги кундалик ишда, ҳафтасига 41 соатдан ошмаган меҳнат жараёнида, бутун иш стажи давомида ёки ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётининг кейинги муддатларда замонавий текшириш усуллари билан аниқланадиган касаллик ёки саломатликда четланишлар келтириб чиқармайдиган концентрациялардир.

Ишлаб чиқариш бинолари ҳавоси таркибидаги енгил аралашмалар (толалар, органик ифлосликлар, пуч уруғлар), буғ, чанг, аэрозоллар учун ЙҚБК Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва СН 245-71, СН 4088-86 га киритилган.

Халқ хўжалигидаги кўп ишларни бажаришда чанг ҳосил бўлади. Бу чанглар инсон организмида юқори нафас йўллари зараланиши, чангнинг ўпка йўлига кириши эса, пневмония, сил, ўпка ракиннинг келиб чиқишига шароит яратиши мумкин. Келибчиқишхусусиятибўйичаорганик,

минералвааралашмачангларфарқланади. Тошкент ёғ-мой комбинатида, хусусан пахта чигитини тайёрлаш бўлимининг чигитни тозалаш жараёнида энгиларалашмалар (толалар, органикифлосликлар, пучуруғлар), буғ, аэрозоллар, минералваорганикчангларажралади (чанг миқдори 0,5 мкм.дан ошмаслиги керак). Уларчўкишкамерасидачўктирилиб, тозаҳавоциклонорқалиатмосферагачикарибюборилади. Корхона шамол йўналиши бўйича СНиП 2.01.01.83 га асосан жойлашган. Бунда энгил аралашмалар, аэрозоллар ва чангларни чиқиши ҳисобга олиниб корхона аҳоли пунктига тескари қилиб жойлаштирилган. Бу эса чангларни аҳоли пунктига етиб келмаслигини таъминлайди.

Пахта чигитини тайёрлаш бўлимида қуйидаги ускуна ва қурилмалардан фойдаланилади: автоматик тарозилар, тозалаш қурилмалари, сепараторлар, чигитни чақиш ва мағизни янчиш машиналари. Корхонада ускуналардан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш учун хавфсизликнинг махсус техник воситалари қўлланилган. Уларга қуйидагилар киради: ҳимояловчи ва тўсувчи тузилмалар, хавфсизлик масофалари ва ўлчамлари, хавфсизлик, ёруғлик сигнализацияси ва хавфсизлик белгилари, хавфли минтақалар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш.

Технологик жараён узлуксиз тарзда давом этади. Иш уч сменада олиб борилади. ГОСТ 12-2.03.91 ҚМҚ-3-05-05-98 га асосан “Технологик жараёнларни ташкиллаштириш, санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш жиҳозларига гигиеник талаблар” га мувофиқ ташкил қилинган. Хом ашё ва материалларни қайта ишлаш технологик ускунанинг паспортида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Корхонада СаНПиН-0120-01, СаНПиН 122-01 га асосан шовқин, тебранишдан химоя чоралари кўрилган. Шовқинга қарши кураш мақсадида товуш ютадиган ҳамда ўтказмайдиган ашёлар ва қурилмалардан фойдаланилади. Ҳаво йўллари бўйлаб тарқаладиган аэродинамик шовқин

хар хил тузилишдаги сўндиргичлар ёрдамида пасайтирилади. Шунингдек, цех, бўлимларни эшик, деразалари махсус товуш ўтказмайдиган материаллардан тайёрланган. Агар техник усуллар билан шовқинни санитария меъёрларига қадар пасайтириб бўлмаса, у ҳолда шовқиндан яқка тартибда ҳимоялаш воситалари: кулоқ тақмалари, кулоқ қопқоқлари (наушник) ва шлемлардан фойдаланилади.

Корхона бўлимларини ёритиш асосан табиий ва сунъий равишда амалга оширилади. Кундуз куни асосан табиий ёруғликдан фойдаланилади. Табиий ёритилиш СНиП 2-01-05.98 га асосан қабул қилинган. Кечки сменаларда эса, сунъий ёритишдан фойдаланилади, ёритилиш учун люменисцент лампалардан фойдаланилади.

Корхонада цехларини ҳавоси мўътадиллаштирилиб турилади, табиий ва механик шамоллатишлардан фойдаланилади. Табиий шамоллатишда хонага ҳаво табиий кучлар – гравитацион иссиқлик ва шамол босими таъсирида киради ва чиқиб кетади. Механик усулда шамоллаташда вентилятор ва сўрувчи мосламалардан фойдаланилади. Шамоллатиш қурилмаларидан тўғри фойдаланиш, уни тўлиқ ишлайдиган ҳолатда бўлиши учун жавобгарлик, механик зиммасига, цехда эса цех бошлиғи ва механик зиммасига юклатилган. Иситиш СанПиН -0058-96 га асосан амалга оширилади. Корхонада маҳаллий иситиш қурилмаларидан фойдаланилади. Биноларни асосан сув ва сув буғи билан иситиш йўлга қўйилган.

Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоида талабларига амал қилмаслик ишчи-хизматчиларнинг шикастланишига олиб келади. Инсонларни электр токи таъсирида шикастланишидан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида электраппаратларни, ускуналарни, машиналарни, жиҳозларни, дастгоҳларни, ёритгичлар қобиғини, металл воситаларни, симларнинг металл қобиғини, электр ўтказадиган пўлат қувурлар ва электр ускуналар билан боғланган бошқа барча қисмларни металл сим ёки пластина орқали ерга боғлаш билан амалга оширилган ҳамда нейтралловчи химоя тизимларидан

фойдаланилган. Шунингдек, электр ускуналарни танлаш, ўрнатишда мавжуд бўлган қонун-қоидалар нормаларига амал қилинган. Бу ишлар билан электриклар шуғулланади.

Инсонга салбий таъсир этувчи чанглар билан ишловчи цехларда, ишчи ва хизматчилар объект фуқаро муҳофазаси бўлими (ФМ штаб) ходимлари томонидан шахсий химоя воситалари билан таъминланганлар. Яъни умумий ишлаб чиқаришга оид ва механик таъсирлардан химояловчи аёллар ва эркалар махсус кийимлари, сирпанмайлиган ва ёпишмайдиган махсус оёқ кийимлар, қўлқоплар, нафас олиш органларини муҳофазалаш мақсадида респираторлар ШБ-1, “Лепесток”, чангга қарши В-62-111 респираторлари, бошни химояловчи шиша пластикли каскалар, махсус кўзойнақлар билан таъминланган.

Корхонада СНИП- 2.08.12.98 га асосан ишчи-хизматчилар учун дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш хонаси, зарарсизлантириш, ювиш-ювиниш ва бошқа маданий-санитария хизматлари учун мўлжалланган қўшимча бинолар қурилган.

Корхонада ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш СНИП-2.01.02-04 га асосан, “Ёнғин хавфсизлиги” умумий талабларига ОНТП 24/86 га асосан “Портлаш хавфи” умумий талабларига ва ушбу қоидаларга мувофиқ таъминланган. Ишлаб чиқаришда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган модда ва материаллар қўлланилмайди. Корхона ёнғин ва портлаш категорияси бўйича В гуруҳга киради. Ёнғин бўйича П-Па синфга, портлаш бўйича В-1г синфга киради.

Корхона биноларининг ёнғин хавфсизлиги уларнинг ўтга чиламлик даражаси билан аниқланган. СНИП 2.09.12-98 га асосан қурилиш материаллари бўйича ёнмайдиган, қийин ёнадиган хиллари мавжуд. Тошкент ёғ-мой комбинатида бинолар темир бетон ва пишган гиштдан қурилган.

Ёнғин ёки авария содир бўлишида одамларни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари биноларни лойиҳалаш ва қуриш вақтида ҳисобга олинган. Ёнғин хавфсизлиги норма қоидаларига асосан эвакуация йўллари ўтга чидамли материаллардан тайёрланган, ҳаракат йўлида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Корхона биносига 2 та чиқиш эвакуация йўллари мавжуд.

Бино ва ёнғин сув манбаълари йўлаклари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлақлар доимо бўш бўлиши таъминланган, бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши масофа узулмаларида материаллар, ускуналар, бўш идишлар тахлашга рухсат этилмайди

Корхонада ёнғинга қарши сув таъминоти СНИП-2.04.02.86 га асосан белгиланган. Катта миқдорда сув сақлайдиган сув хавзаси мавжуд.

Ўтти ўчириш бирламчи воситаларидан ҳаракатланадиган, қўлда ишлаталиган ўт ўчиргичлар, гилропульпалар, челак, сувли бочка, белкурак, қумли яшик, асбест ёпғич, намат ва бошқа ёнмайдиган буюмлари мавжуд. Корхонада ОХП-10, ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8 ўчиргичлардан фойдаланилади.

Барча ишлаб чиқариш цехларида, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган.

Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган ва (СНИП 2.04.02 84., ГОСТ 12.2.2002.89, СНИП 2.04.09.07) бўйича ўрнатилган. Шунингдек, корхонада алоқанинг энг ишончли воситаси ҳисобланган шаҳар телефон тармоғидан фойдаланилади.

Ёнғин ҳақида тез хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалари СНИП-2.04.02-84, ГОСТ 12.2.2002.89 га асосан ўрнатилган. Бу воситалар ёнаётган манба, жойини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Корхонада кўнгилли ўт ўчириш дружинаси ташкил қилинади.

Яшиннинг ер устидаги иншоот, қурилмаларга тўғри урилиши бузилишга, ёнувчи модда ва материалларни алангаланишига олиб келади. Яшинни иккиламчи таъсири, химояланувчи бино ва иншоотларни металл контурига яшин урилиш вақтида, зарядларни электростатик ва электромагнитли индукцияланиши билан боради. Натижада, учқунланиш билан боғлиқ хавfli вазият вужудга келади. Шу сабабли яшиндан химоя чоралари СНИП 2.01.03-96, СНИП 2.01.02.85 га асосан кўрилган. Яшин қайтаргичлар ўрнатилган.

Экологияқисми

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш туб маънода ҳар бир давлатнинг табиат муҳофазаси соҳасида тутаётган экологик сиёсатига боғлиқ. Аслида экологик сиёсат иқтисодий ривожланишни белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланилса, тайёр моддий маҳсулот миқдор жihatдан мўл-кўл, сифат жihatдан олий навли ёки даражалиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда экологик сиёсат давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Республика Конституциясининг 47-48, 50-51 ва 55-моддаларида экологик қонунлар аниқ ва равшан тарзда ифодаланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Табиат муҳофазаси тўғрисида» қонун (9 декабр 1992 йил) ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар мамлакатнинг экологик сиёсатини ҳуқуқий қонунлар ва қарорлар асосида мустахкамлайди.

Экологик сиёсат давлат миқёси даражасида амалга оширилса атроф-муҳитни яхшилашнинг белгиланган чора-тадбирлари самарали бўлади. Ўзбекистонда бу масалага мустақилликка эришилгандан кейин алоҳида эътибор берилди бошланди. Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» (1997) асарида экология муаммолари бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсат таркибида атрофлича таҳлил қилиниб, амалга ошириладиган вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Асарда республикада яқин келажакда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг тактика ва стратегияси асосланган.

Президентимиз И. Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» мавзуида қилган маърузасида ҳам табиат муҳофазасига оид янги вазифаларни белгилаб берди. Чунончи, 2005

йилга кадар қишлоқ, аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 % га, табиий газ билан таъминлаш 82% га етказилиши керак. Бундан, шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, қишлоқ аҳолисининг катта қисми тоза ичимлик суви билан таъминланса улар орасидаги турли касалликлар камаяди, табиий газ билан қишлоқлар таъминланиши "тўсиб турган дарахтларни ўтин қилиб ёқишнинг олдини олади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини 1992-йил 9-декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш» қонуни белгилаб берди. Ўзбекистонда экологик сиёсат юқорида айтиб ўтилганидек бир қатор қабул қилинган қонунлар, «Ер тўғрисида»ги (20-июнь1990-й.), «Қазилма бойликлар тўғрисида»ги (22-сентябр 1994й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш» (6-май 1993 й.), «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» (26-декабр 1997 й.), «Хайвонот оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» (26-декабр 1997 й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида»ги (7-май 1993 й.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» (27-декабр 1996 й.), «Давлат кадастри тўғрисида»ги (39-август 2000 й.), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (15-декабр 2000 й.) қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган кўплаб қарорлар асосида амалга оширилади.

Республика Президентининг дастлабки фармонларидан бири 1990-йил 28-июлда қабул қилинган бўлиб, у «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» деб аталади. Кейин 1996-йил 21-майда Вазирлар Маҳкамасининг«2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор чиқарди. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларда қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини тубдан яхшилаш билан бирга ичимлик суви ва табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлароқ, қондиришга хизмат қилади. Аҳолини тоза ичимлик сувга бўлган талабини янада тўлароққондириш

масаласи Олий Мажлиснинг 1-чақириқ XIV сессиясида (14 апрел 1999 й.) кенг муҳокама қилинди. И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» деган мавзудаги маърузасида 1999-2005 йилларда аҳолини тоза ичимликни ва табиий газ билан таъминлаш даражаси яна ортиши белгиланган.

Атмосфера хавосини чангдан тозалаш усуллари

Ҳавони чангдан тозалашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- 1) гравитацион усули;
- 2) куруқ инерцион ва марказдан қочма куч асосида тозалаш усули;
- 3) ҳўллаш усули;
- 4) филтрлаш усули;
- 5) электростатик усул;
- 6) товуш ва ультратовуш ёрдамида коагуллаш усули.

Оқовасувларни синфланиши

Оқова сувларнинг бир неча синфланиши мавжуддир. Ифлоссувларнинг эффектив тозалаш схемасини танлаб олиш учун энг қулай бўлган синфланиш бу Л.А.Кульский синфланишидир. Ушбу синфланишга биноан сувлар 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 гуруҳ – сувда эримайдиган ириқ дисперсли заррачалар билан ифлосланган сувлар, заррачалар катталиги $10^{-3} - 10^{-7}$ м,
- 2 гуруҳ – сувда эримайдиган майда дисперсли ва коллоид заррачалар билан ифлосланган сувлар, заррачалар катталиги $10^{-7} - 10^{-9}$ м,
- 3 гуруҳ – сувда эриган органик моддалар билан сувлар
- 4 гуруҳ – сувда эриган анорганик моддалар билан ифлосланган сувлар (кислота, ишқор, тузлар).

Оқова сувларни тозалаш усуллари

Оқовасувларнинг ҳар бир гуруҳига ўзига хос тозалаш усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) механик тозалаш усуллари (тиндириш, филтрлаш, центрфугалаш);
- 2) физик-кимёвий усуллар (флотация, адсорбция, флокуляция, коагуляция, экстракция, ион аламашилиш усули);
- 3) кимёвий усуллар (нейтраллаш, оксидлаш, кайтариш, термооксидлаш);
- 4) биокимёвий усуллар – тирик организмларнинг органик ифлослантирувчи моддаларнинг озика сифатида истеъмол қилишига асослангандир.

Битирувмалакавийишида «Пахта чигитинитайёрлашбўлимини бошқариш тизимини шакллантириш» вақовуришжараёниборасидаизланишларолибборилган. Маълумки, пахта чигитини тайёрлашда чанглар ва қовуриш жараёнида атмосферада ёғ аэрозоллари ҳосил бўлади.

Уларни маҳсус тозалаш усуллари, жумладан филтрлаш усули ёрдамида ушлаб қолиш мумкин.

Қуйида корхонани сув билан таъминланиши ва чиқариб юбориладиган оқова сув миқдори ва уларни тозалаш усуллари акс эттирилган жадвал келтирилган (1-жадвал ва 2-жадвал).

1-жадвал

КОРХОНАНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Сув билан таъминлаш манбаси	Сувдан фойдаланиш меъёри м ³ /соат		Айланма ҳаракатдаги сувнинг ҳажми м ³ /соат	Тоza сувни тежаш
	Лойиха бўйича	Аслида		
1	2	3	4	5
Шахар сув таъминоти	0,9-1,2	1,5-1,6	0,4	0.5

2-жадвал

ОҚОВА СУВЛАР ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Оқова сувларнинг турлари	Оқова сувнинг ҳажми м ³ /соат		Ифлосликларнинг таркиби г/л	Тозалаш усуллари	Тозалагич мосламалар ва ускуналар	Тозаланган сувнинг ишлатилиш
	Тозаланаётган	Ташлаб				

		юборилаётган				йўллари
1	2	3	4	5	6	7
Ювувчи сувлар	0,7	0,1	2.5 г/л ёғлар	Механик усул	Ёғтутгич	Корхонада ювувчи сув сифатида ишлатилади

Бундан ташқари, атмосферага оз миқдорда бўлса ёғ аэрозоллари ташланади.

**АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНАЁТГАН ГАЗ-ЧАНГ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА УЛАРНИ
ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ**

Атмосферага ташланаётган газ ёки чанг чиқиндиларининг манбалари	Газ-чанг чиқиндиларнинг таркиби	Чиқиндиларнинг г миқдори м ³ /соат		Газ-чанг чиқиндиларнинг миқдори м ³ /соат		ЧМЧ	Қўлланилаётган тозалаш усуллари, тозалагич жиҳозлар	Газ-чанг чиқиндиларнинг рекуперацияси
		Газсимон	Чанг	Атмосферага тозаланмасдан ташланаётган	Тозалашга берилмаётган			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Пахта чигитини ковуриш жараёни	Ёғ аэрозоллари	0,001	-	-	0,001	5	Фильтрлаш	Жараёнга қайта берилади
Чигитни тозалаш жараёни	Чигит чанги	-	0,09	-	0,09	0,006	Фильтрлаш	Жараёнга қайта берилади

$$ЧМЧ = \frac{(ЧММ - C_{\phi}) * H^2 * \sqrt[3]{V_1 * \wedge T}}{A * F * m * n} = \frac{(0.5 - 0.2) * 2^2 * \sqrt[3]{0.56 * 52}}{200 * 3 * 1 * 1} = 0.0062$$

Чангнинг фактик ташланаётган миқдори унинг ҳисоблаб топилган қийматидан кам бўлганлиги учун манбага тозалаш мосламасини ўрнатиш

шарт эмас. Бу чангнинг атроф мухитга салбий таъсири йўқ, чунки, ЧММ дан ортмаябди.

Фуқаро муҳофазаси

Ўзбекистон Республикасида Фуқаро муҳофазасига оид қуйидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва Вазирлар маҳкамасининг қарорлари кучга киритилган.

“Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли Фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни 20 август 1999й.

“Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” ги қонун 26 май 2000й.

“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонуни 28 сентябр 2006й.

“Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги қонун 31 август 2000й.

“Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун 20 август 1999й.

“Терроризмга қарши кураш тўғрисида” ги қонун 15 декабр 2000й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда Вазиятлар Вазирлигини” ташкил этиш тўғрисида” ги қарори 11 апрел 1996й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 558-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида” ги қарори 23 декабр 1997й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 427-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулотда вазиятларда муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида” ги қарори 7 октябр 1998й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 455-сонли “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулотда вазиятларнинг таснифи тўғрисида” ги қарори 27 октябр 1998й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 15-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори 13 январ 2003й.

Лойиҳада пахта чигитини тайёрлаш бўлимининг чигитни тозалаш, чақиш ва сепарациялаш ҳамда қовуриш жараёнларида атмосферага чанг ва ёғ аэрозоллари ташланиши мумкин. Корхона СН 245-71 га асосан IV синфга таалукли. Шунинг учун корхонада санитар ҳимоя зонаси 100 м белгиланади ва ушбу майдон кўкаламзорлаштирилади.

ОАЖ «Тошкент ёғ-мой комбинати» Қўшма Корхонаси, Тошкент шаҳар, Хамза тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган. Бугунги кунда бу ерда қуйидаги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда:


- пахта, масхар, кунгабоқар, соя ёғларини қадоқлаб чиқариш, шу жумладан салат ёғи

- озиқ-овқат учун ишлатиладиган ва технический саломаснинг турли маркаси

- маргарин ва кулинар мойи

- майонез

Корхонада фуқаро муҳофазаси ташкил этиш схемаси



Корхонада фуқаро муҳофазасини ташкил этиш.

Фуқаро ҳимоясининг асосий вазифалари:

1. Аҳолини умумқирғин қуроллардан сақлаш.
2. Халқ хўжалиги корхоналарининг уруш шароитида ишлаш турғунлигини ошириш.
3. Қутқарув ва тикловчи ишларини олиб бориш

ОАЖ «Тошкент ёғ-мой комбинати» Қўшма Корхонасида қуйидаги турдаги фавкулотда вазиятлар содир бўлиши мумкин:

- Табиий характердаги фавкулотда вазиятлар;
- Техноген характердаги фавкулотда вазиятлар;
- Экологик характердаги фавкулотда вазиятлар.

Корхона территориясида содир бўлиши мумкин бўлган экологик, табиий ва техноген хавфли ходисаларга: кучли шамол, кучли ёмғир ёғиши, zilзила, ёнғин, портлаш, кимёвий захарланишлар киради.

Объектда чанг ва аэрозоллар мавжудлиги, уларнинг миқдори, сақланиш қоидалари деганда, асосан атроф муҳитга кучли таъсир қилувчи ва одамлар ҳаётига таъсир кўрсатувчи омиллари тушунилади. Корхонадаги авариялар, ёнғин ва портлаш каби фавқулотда вазиятлар юзага келган вақтида содир бўлган хавф даражасини кўрсатадиган иккита билдириш режими белгиланади.

1. Юқори тайёргарлик режими;
2. Фавқулотда режим.

Бундай ҳоллар юзага келган вақтида ҳокимиятларга, тузилмаларга, тиббий хизматга, ёнғин хавсизлиги хизматига хабар бериш керак. Корхона бинолари эилзилабардош темир бетон ва пишган ғиштдан қурилган, ва бу бинолар 9 баллгача бўладиган zilзилаларга бардош бера олади.

Корхонада кучли таъсир қилувчи захарли модда мавжуд эмас.

Фавқулотда Вазият юз берганда “Дикқат Хаммага” овозли сигнал орқали ишчи-хизматчиларга хабар қилинади. Шунингдек, корхонада алоқанинг энг ишончли воситаси ҳисобланган шаҳар телефон тармоғидан фойдаланилади.

Инсонга салбий таъсир этувчи чанглар билан ишловчи цехларда, ишчи ва хизматчилар объект фуқаро муҳофазаси бўлими (ФМ штаб) ходимлари томонидан шахсий химоя воситалари билан таъминланганлар. Яъни умумий ишлаб чиқаришга оид ва механик таъсирлардан химояловчи аёллар ва эркаклар махсус кийимлари, сирпанмайлиган ва ёпишмайдиган махсус оёқ кийимлар, қўлқоплар, нафас олиш органларини муҳофазалаш мақсадида респираторлар ШБ-1, “Лепесток”, чангга қарши В-62-111 респираторлари, бошни химояловчи шиша пластикли каскалар, махсус кўзойнаклар билан таъминланган.

Нафас олиш органларини муҳофазаловчи шахсий химоя воситалари – газниқоблар, нафас олиш органларини турли касалликларни келтириб чиқарувчи микроблардан ва токсинлардан муҳофаза қилади.

Газниқоблар икки турга бўлинади:

1. Фильтрловчи газниқоблар (ГП 5, ГП 7, ГП 9);
2. Ажратувчи газниқоблар (ИП 46 ИП 48).

Нафас олиш органларнинг энг оддий химоя воситалари:

1. Респиратор;
2. Чангга қарши матоли ниқоблар;
3. Пахта докали боғгич.

Авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларини режалаштириш ва амалга оширишдан мақсад, аҳолини турли фавқулотда вазиятлардан химоялаш, шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш, авария оқибатларини қисқартириш ҳамда вайроналардан инсонларни олиб чиқишга қаратилгандир.

Авария қутқарув ишлари қуйдаги вазифаларни амалга ошириш орқали олиб борилади.

1. ФВ рўй берган худудларида разведка ишларини олиб бориш ҳамда ҳаракатланиш йўналишларини режалаштириш.
2. Бино қисмлари, вайрона уюмлари орасидан шунингдек ёнаётган бинолар ичидан инсонларни қидириш ва олиб чиқиш.
3. Жабрланган инсонларни, гуруҳларга ажратган ҳолда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда яқин амбулаторияларга етказиш.

Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга қуйидагилар киради:

1. Инсонларни оммавий пиёда ёки транспортда ҳаракатланиш йўллари очиш ҳамда хавфли жисмлардан тозалаш.
2. Газ, электр, сув қувур тикимлари ва бошқа тизимларда юз берган аварияларни тўхтатиш, қутқарув ишларини ўтказиш.

Корхонада ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Цехда герметиклик бузилиб ёки бошқа сабаб билан

ёнғин чиққанда ОПД туридаги сигнализатор ишга тушади. Бу сигнализатор ишга тушиши билан цехдаги навбатчи корхонанинг ёнғин хавфсизлиги бўлимига хабар берилади ва ишчиларнинг тартибли эвакуациясини таъминлашни назорат қилинади. Ёнғин хавфсизлиги бўлими етиб келгунча ишчилар ўзлари ОУ 2, ОУ 9, ОУ 8 бирламчи ўт ўчиргичлар ёрдамида ёнғинни бошқа объектга ўтиб кетмаслигини назорат қилади.

Ёнғин хизмат ходимлари билан бир вақтда тиббий тез ёрдам кўрсатиш хизмати ҳам етиб келади. ФВ оқибатлари тугатилиши билан кутқарув ишлари бошланади. Тартибни сақлашга эътибор берилади. Ёнғин ёки авария содир бўлишида одамларни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари бўлиши биноларни лойиҳалаш ва қуриш вақтида ҳисобга олинган. Ёнғин хавфсизлиги норма қоидаларига асосан эвакуация йўллари ўтга чидамли материаллардан тайёрланган, ҳаракат йўлида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Корхона биносида 2та чиқиш эвакуация йўллари мавжуд.

Ишлатиладиган хом-ашёлар маълум талаб асосида омборларда сақланади. Чигитлар қуёш нури тўғридан-тўғри тушмайдиган, ёпик, қурук жойда, ҳарорат 30° С дан юқори бўлмаган, намлик 80% дан кўп бўлмаган жойда сақланади. Тайёр маҳсулот (пахта ёғи) елим идишларга қадоқланиб, омборларда сақланади ва у ердан истеъмолчиларга жўнатилади.

Хулоса

Ушбу малакавий битирув ишида дезодарациялаш жараёнини автоматлаштириш ишлаб чиқилди. Бу қурилмада ҳарорат неча градусда бўлиши, ундаги босим, каби параметрларнинг кўрсаткичлари ўрганилди.

Технологик жараёнларни автоматлаштириш бўлимида автоматлаштириш назарияси ва уни амалиётга тадбиқ етиш масалалари кўриб чиқилди.

Технологик жараённи автоматлаштиришнинг функционал чизмаси ва уч фазалипринципиал электр манба чизмаси ҳам шакллантирилди.

Шунингдек, дезодарациялаш жараёнини автоматлаштиришда турли хил янги ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиш йўлга қўйилди ҳамда бу ускуналар ҳақида маълумот берилди.

Жараёнда ўлчовчи ва бошқарувчи қурилмалар сифатида ҳозирги замон технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган SIEMENS фирмасининг ўлчов ускуналаридан фойдаланилди.

Ушбу курс лойиҳа ишида кўрсатган технология орқали замонавий, кўпгина жараёнларни автоматлаштириш натижасида иш унумдорлиги ортиб, кам ишчи кучи талаб қилинади.

Шу боисдан кўрсатилган технология орқали жараёнини автоматлаштиришни тавсия қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Й. Кодиров "Ёг-мой махсулотлари ишлаб чиқариш технологияси" , Тошкент, "Шарк" нашр, 2007;
2. П. Илхамджанов ва бошқалар "Ёг-мой саноати корхоналари қурилма ускуналари", Тошкент, "Шарк" нашр, 2007;
3. Б. Н. Чубинидзе и др. "Оборудование предприятий масло-жировой промышленности", М. Агромиздат, 1985;
4. Ю. А. Калошин "Технология и оборудование масложировых предприятий", М. Академия, 2002.- 363 с;
5. В. А. Масликов "Примеры расчетов оборудование производства растительных масел", М. Миш пром,-т 1959;
6. Е. Д. Ситников "Практикум порасчетом оборудования предприятий для производства жиров и жирозаменителей" М. Агропромиздат. 1991;
7. К. Ф. Павлов, П.Т. Романов "Примеры и задачи по курсу Пи АХТ", М. 1976.
8. Бережной С.А., Романов В.В., Седов Ю.И. Безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие. - Тверь: ТГТУ, 1996. - 217с.
9. Бережной С.А., Романов В.В., Седов Ю.И. Сборник типовых расчетов и заданий по экологии: Учебное пособие. - Тверь: ТГТУ, 1995. - 125с.
10. 12.Н.Юсуфбеков, Б.Мухамедов, Ш.Ғуломов. Технологик жараёнларни бошқариш системалари.- Тошкент: Ўқитувчи,1997.-704 б.